



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2020 йил 22 январь, № 16 (7518) • Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ



Аввал хабар қилинганидек, шу йил 20 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Қуйида ана шу нутқ матни эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.

Ассалому алайкум, ҳурматли Сенат аъзолари! Қадрли дўстлар! Аввало, сизларни сайловларда голиб бўлиб, сенатор деган юксак номга сазовор бўлганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман. Бугунги имкониятдан фойдаланиб, Олий Мажлис юқори палатасининг аввалги таркибида самарали фаолият олиб борган сенаторларга барчамизнинг номимиздан миннатдорчилик билдираман. Албатта, олий вакиллик органи аъзоси бўлиш ҳар бир сенатор учун нафақат катта шараф, балки улкан масъулият ҳам эканини барчангиз яхши тушунасиш.

Сенатор — бу, аввало, халқ ва давлат ишончини қозонган инсон. У чуқур билим, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган, тинимсиз меҳнат қилиб, ташаббус кўрсатиб яшайдиган, халқ манфаатларини доимо биринчи ўринга қўйиб, ўз тақдирини эл-юрт тақдирини билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрадиган шахсдир. Биз сизларнинг тимсолин-гизда ана шундай етук ва фаол шахсларни тасаввур қиламиз. Таъкидлаш жоизки, Сенатнинг янги таркиби анча юқори профессионал даражада шаклланди. Буни Сенат аъзоларининг 20 нафарини иқтисодчилар, 19 нафарини муҳандислар, 13 нафарини педагоглар, 7 нафарини ҳуқуқшунослар, 6 нафарини тиббиёт ходимлари, 5 нафарини агрономлар, 4 нафарини журналистлар ҳамда 12 нафарини жамоат ташкилотлари вакиллари ташкил этгани, уларнинг орасида 16 нафар фан доктори, 12 нафар фан номзоди мавжудлиги ҳам тасдиқлайди. Шунингдек, Сенат аъзоларининг салкам 25 фоизи хотин-

қизлардан иборат бўлиб, бу эса юқори палатанинг фаолияти янгилаш ва қарашлар асосида ташкил этилишидан далолат беради. Ҳурматли мажлис иштирокчилари! Жонажон Ўзбекистонимиз ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйган кейинги ўн йил Сенат учун ҳам ўзига хос туб янгилаш ва ўзгаришлар даври бўлди. Сенат томонидан кўриб чиқилган қонунлар сони қарийб 230 тага етгани ва шундан 190 та қонун сўнги уч йилда маъқулланган ушбу йўналишда катта иш қилинганини кўрсатади. Бу борадаги ижобий ўзгаришлар нафақат қонунларнинг сони, балки уларнинг сифати билан ҳам боғлиқ, десак, тўғри бўлади. Шу ўринда Сенат кўмиталари томонидан муҳим ташаббуслар илгари сурилгани ва улар кўплаб долзарб масалалар ечимига хизмат қилганини таъкидлаш лозим. Мисол учун, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитасининг суғурта бозори самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлари мазкур соҳани такомиллаштиришга оид муҳим қарорларда ўз ифодасини топди. Ёшлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси ҳам кенг жамоатчилик томонидан билдирилган таклифларини инobatга олиб, муҳим ташаббуслар илгари суриди. Ҳозирги вақтда шу асосда тўй ва маросимлар ўтказишни тартибга солиш бўйича амалий чора-тадбирлар ҳаётга жорий этилмоқда. Энг муҳими, уларни халқимиз кўллаб-қувватламоқда. Бундан ташқари, Сенатда ички ишлар ва ташқи ишлар вазирларининг ахборотларини эшитиш амалиёти йўлга қўйилди. Сенатнинг янги мажлисларида вилоят ҳокимлари-

нинг ҳисоботларини эшитиш тартиби жорий этилгани парламент назорати соҳасидаги катта амалий натижа, дейиш мумкин. Шунингдек, халқаро муносабатлар соҳасидаги ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган ҳамкорлик ифодаси сифатида Сенатда 25 та парламентлараро гуруҳ ва 2 та комиссия фаолияти йўлга қўйилди. Ҳурматли сенаторлар! Юқори палата ишининг самарадорлигини ошириш мақсадида яқин ва узоқ истиқболда куйидаги муҳим вазифаларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблайман. **Биринчидан**, аҳолини қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг самарали тизимини яратишимиз лозим. Уч йил олдин сенаторлар томонидан, бевосита жойларга чиққан ҳолда, ҳудудлардаги муаммоларни ўрганиш ва маҳаллий Кенгашларда муҳокама қилиш амалиёти йўлга қўйилди. Бирок ҳозирча бу биз кутган натижаларни берди, деб айта олмаيمиз. Жойларда ҳали жуда кўп муаммолар ўз ечимини кутиб турибди. Масалан, йўл қурилиши соҳасида жами 184 минг километр бўлган автомобиль йўлларининг 70 минг километри ёки 38 фоизи қайта қуришга муҳтож. Одамларнинг энг кўп эътирозига сабаб бўлаётган коммунал хизмат соҳасини оладиган бўлсак, бу борада ҳам бир қатор муаммолар кузатилмоқда. Масалан, мавжуд 633 та қозонхонанинг 25 фоизи ҳамда 4 минг қилметр иссиқлик тармоғининг 75 фоизи яроқсиз аҳволда. Энг ачинарлиси, республикамизда марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси атиги 68 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикаси,

лаларга қаратилаётгани ҳам сизларга яхши маълум. Ўз навбатида, сенаторларимиз ҳам бу борада ташаббус ва ташкилотчиликни ўз қўлларига олиб, аниқ таклифлар киритсалар, аини муддао бўлар эди. Шу боис Сенатнинг ҳар бир кўмитаси ўз фаолият режасини ҳудудий муаммолардан келиб чиқиб шакллантириши лозим. Айниқса, Сенатнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилати томонидан қабул қилинган Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш бўйича тасдиқланган индикаторларга эришилиши устидан мониторинг олиб бориши мақсадга мувофиқдир. Чунки юқорида санаб ўтилган барча муаммолар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан ҳамохангидир. Шунингдек, ўрганилган масалалар бўйича бевосита жойларга бориб, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида Сенат Кенгаши ва кўмиталарининг сайёр мажлисларини ўтказиш зарур. Бу амалиёт аҳолини ташвишга солаётган муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш имконини беради. **Иккинчидан**, ислохотларимизнинг бугунги босқичи Ҳукумат, барча вазирлик ва идоралар ҳамда ҳокимликлар олдида кескин талаблар қўймоқда. Бу талаблар қонунларда, Президент фармонлари ва қарорларида, турли давлат ва ҳудудий дастурларда ўз ифодасини топган. Шунинг учун вазирлик ва идоралар раҳбарлари кўпроқ ҳудудларда бўлиб, жойлардаги долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар ечими юзасида тегишли чора-тадбирларни белгилаб олмақда. Лекин уларнинг ижросини ким назорат қилади? Албатта, халқ ишончига сазовор бўлган сенаторлар бу борада асосий ташаббускор бўлиб, масъулиятни ўз зиммасига олишлари зарур. Шу нуқтаи назардан қараганда, Сенат вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ҳокимларнинг мазкур чора-тадбирлар ижроси юзасидан ҳисоботини мунтазам муҳокама қилиб бориши лозим. Бу жараёнда ҳисобот шунчаки ҳисобот учун бўлиб қолмаслиги керак. Аксинча, ҳисоботлар муҳокамадан сўнг муайян соҳа ёки ҳудудда аниқ ўзгаришлар бўлиши зарур. Ўйлаيمانки, парламент назорати натижалари асосида фаолияти қониқарсиз, деб топилган раҳбарларнинг лавозимда қолиш ёки қолмаслиги масаласи бўйича Сенат томонидан Ҳукумат олдида масала қўядиган ва таъсирчан чоралар кўрадиган вақт келди. Амалдаги қонунларга асосан, Сенат парламент назорати натижалари бўйича, ҳатто Ҳукумат аъзосини истеъфога чиқариш тўғрисида Президентга таклиф киритиши мумкин. Фурсатдан фойдаланиб, сиз, ҳурматли Сенат аъзолари, муурожаат қилиб айтмоқчиман: аниқ таҳлил ва асослар билан киритилган таклифларни мен кўриб чиқишга тайёрман. **Учинчидан**, ёшлар ва таълим масалалари Сенатнинг доимий эътиборида бўлиши керак.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 21 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда ҳукумат аъзолари, марказий идоралар раҳбарлари, маҳаллий ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Мажлиси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Н. Исмоилов очди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради. Депутатлар ва сенаторлар қўшма мажлисини ўтказиш бўйича муваққат қотибиёт ва мажлисда электрон тизимдан фойдаланиш устидан назорат гуруҳини сайладилар, кун тартиби тасдиқланди. Қўшма мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, халқимизга муносиб турмуш шароити яратиш, мамлакатимизни янада тараққий эттириш юзасидан устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратди. Бу борада муҳим таклифларни илгари суриб, уларни амалга ошириш бўйича янги тасдиқланган ҳукумат олдида турган асосий вазифалар хусусида тўхтади. Қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти ўртасидаги ўзаро самарали ҳамкорликни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш, ижроия органлари раҳбарларининг Олий Мажлис палаталари олдидаги ҳисобдорлигини янада ошириш зарурлиги таъкидланди. Шундан сўнг Бош вазир номзоди ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастури кўриб чиқилди. Мамлакатимиз Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республи-

қаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўрнини қўлга киритган сиёсий партия томонидан ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларига сазовор бўлган бир неча сиёсий партия томонидан тақдим этилади. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сайловда 53 нафар депутатлик ўрнини эгаллаган эди. Партиянинг яқинда бўлиб ўтган Сиёсий Кенгаши мажлисида Бош вазир номзоди кўриб чиқилди ва Президентга тақдим этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига Абдулла Арипов номзодини тавсия этди. Абдулла Арипов қўшма мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастури ҳақида нутқ сўзлади. Мажлисда сўзга чиққанлар Президентимизнинг маърузасида баён этилган устувор йўналишларни қўллаб-қувватлаган ҳолда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирилган ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига тавсия этилган номзодни маъқулладилар. Олий Мажлис палаталари Абдулла Ариповни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси ўз ишини якунлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ НОМЗОДИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг номзодини тасдиқлаш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Арипов Абдулла Нигматович Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тасдиқлансин.
2. Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилсин.
3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Н. ИСМОИЛОВ
Тошкент шаҳри,
2020 йил 21 январь

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ НОМЗОДИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг номзодини тасдиқлаш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Арипов Абдулла Нигматович Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тасдиқлансин.
2. Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилсин.
3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Т. НАРБАЕВА
Тошкент шаҳри,
2020 йил 21 январь

(Давоми 2-бетда). **Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Абдулла Авлонийнинг **“Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё наҳот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир”**, деган сўзларини такрор ва такрор айтишдан чарчамайман. Нега деганда, бу фикр бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини унутмаслигимиз лозим.

Ёшларимиз кимнинг авлодлари эканини чуқур англашлари керак. Айни вақтда бугунги ислоҳот ва ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлмаётганини билишлари зарур.

Яқинда ёшлар билан бўлиб ўтган учрашувда жорий йилда ёшларга оид давлат сиёсатида туб бурилиш ясаш бўйича улкан мақсадларни белгилаб олдик. Хусусан, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни иш билан таъминлаш, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши учун шароит яратиш, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, айниқса, хотин-қизларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг муаммолари билан мунтазам равишда шуғулланиш, қиз болаларни муқтақил ҳаётга тайёрлаш, шунингдек, маданий билим ва соҳасини ривожлантириш билан боғлиқ вазифалар ижросини Сенат назорат қилиб, мутасадди раҳбарларнинг ёшлар муаммоларини ҳал этиш борасидаги фаолиятига оид ҳисоботларини эшитиб, тегишли чоралар кўриб борса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Тўртинчидан, Сенат ҳудудий вакиллик палатаси сифатида Давлат бюджетни лойиҳасини кўриб чиқиши ва унинг ижроси устидан парламент назоратини ўрнатиши зарур.

Биз 2020 йил учун Давлат бюджетини биринчи марта қонун билан тасдиқлаш амалиётини бошладик. Конституциямизга мувофиқ, бюджетни қабул қилиш ва унинг ижросини назорат қилиш Олий Мажлис палаталарининг биргаликдаги ваколати ҳисобланади.

Аммо қонунларда бюджет ижросини фақат Қонунчилик палатаси томонидан назорат қилиш тартиблари белгиланган. Ажратилаётган маблағларнинг вазирлик ва идоралар бўйича, айниқса, ҳудудлар кесимидаги ижросини ўрнатиш Сенатнинг ҳам асосий вазифаси бўлиши лозим. Шу муносабат билан қонунларга тегишли тузатишлар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Сизларга яхши маълумки, Қонунчилик палатасида Давлат бюджети бошқармаси ташкил этилган эди. Бу қисқа муддатда ўзининг дастлабки ижобий натижаларини кўрсата бошди. Юқори палатамизда ҳам ана шундай фаолиятни амалга ошириш мақсадида Сенатда алоҳида тузилма ташкил этишни тақлиф қиламан. Ушбу тузилма Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш жараёналари устидан ҳудудлар манфаатидан келиб чиққан ҳолда назорат олиб боришда сенаторларнинг асосий кўмакчиси бўлади, деб ишонаман.

Бешинчидан, жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги долзарб масалаларни ҳал этишда парламент сўрови институтидан самарали фойдаланиш зарур.

2010 — 2014 йилларда Сенат томонидан атиги 3 та парламент сўрови юборилган бўлса, сўнги беш йилда 26 та парламент сўрови ва 700 дан ортик сенатор сўрови юборилган. Келгусида парламент сўрови алоҳида вилоят, туман, шаҳар миқёсидаги долзарб масалаларни ҳам қамраб олса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бироқ сенатор сўровларининг сифати ва натижадорлигини ошириш бўйича ҳали олдимизда кўп ишлар турибди.

Афсуски, давлат бошқаруви органлари томонидан сенаторларнинг сўровларига жавоб бермаслик ҳолатлари ҳам мавжуд. Таъкидлаб айтмоқчиман, **сенатор сўровига бепсандлик — бу халққа бўлган бепсандлик, деб баҳоланиши керак**. Бундай ҳолатга йўл қўймаслик учун сенатор сўровини ҳудудлар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда шакллантириш, унинг натижасига оид ахборотни Сенатнинг кўмита мажлислари ва ялпи мажлисларида муҳокама қилиш зарур.

Олтинчидан, Сенатнинг маҳал-

лий Кенгашлар билан ҳамкорлигини, улар фаолиятига амалий ва услубий кўмак кўрсатиш борасидаги фаолиятини янада кучайтириш лозим.

Афсуски, бугунги кунда юқори палатамизнинг бу борадаги фаолияти сустигича қолмоқда. Энг ачинарлиси, маҳаллий Кенгашлар ҳудудлардаги долзарб масалалар ечимини топишда ўз ваколатларидан деярли фойдаланмаяпти.

Маълумки, сўнги даврда, айниқса, охириги уч йилда маҳаллий Кенгашларнинг назорат фаолиятини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилди. Жумладан, ҳоким, ҳоким ўринбосарлари, прокуратура, адлия, ички ишлар, молия, солиқ ва соғлиқни сақлаш идоралари раҳбарларининг ҳисобдорлиги белгилаб қўйилди.

Қонунчиликда маҳаллий Кенгашларга бундай кенг ваколатлар берилган бўлса-да, амалда уларнинг натижаси кўринмапти. Сенат кўмиталари маҳаллий Кенгашлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўймагани ҳам бунга сабаб бўлмоқда.

Кенгашлар фаолият самарадорлигини оширишда мен, биринчи навбатда, сиз, муҳтарам сенаторларга суянаман. Шунинг учун доимий асосда ишлайдиган сенаторларни маҳаллий Кенгашларга бириктиришни назарда тутадиган янги тизим яратиш лозим. Бунга сайловларда кузатувчи бўлиб иштирок этган халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам тавсия этишган.

Аслида сенаторлар ҳудудлар манфаатини ҳимоя қиладилар. Шунинг учун сенаторларимиз ҳар ойда биттадан маҳаллий Кенгашни намунавий ишлайдиган қилиб берсалар, албатта халқимиз улардан рози бўлади.

Шу муносабат билан маҳаллий Кенгашларда сенаторнинг кабинетини ташкил этиш ўринли бўлади. Шу билан бирга, Сенат Раиси, ҳудудларда барча сенаторларни жалб қилган ҳолда, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг тизимли ўқувини ташкил этиш амалиётини жорий этиши лозим.

Сенат Давлат бошқаруви академияси билан биргаликда, мулақо янги бўлган тизимни, яъни Сенаторлар мактабини шакллантириши керак. Чунки **жойларда депутатлар корпуси қанчалик кучли бўлса, маҳаллий Кенгашлар ва албатта Сенат ҳам шунчалик кучли бўлади**.

Ҳурматли сенаторлар, мен сизларнинг ҳар бирингизни кўпни кўрган, халқ ичида катта обрў-этиборга эга, жойлардаги муаммоларни ва уларни ҳал қилиш йўллари яхши биладиган одамлар деб биламан. Барчангиз фидокор ва ташаббускор бўлиб, ўз амалий ишларингиз билан сенатор сифатида мамлакатимиз тарихида ном қолдиришингизни истайман.

Энди ижро ҳокимияти ёмон ишламоқда, деб нолиб ўтирадиган вақт ўтди. Ижро органи фаолияти устидан ким назорат олиб бориши керак? Аввало, сенаторлар эмасми?

Қуйи Кенгашлар қанчалик фаол бўлса, Сенатнинг иши шунча самарали бўлади. Жойлардаги ижро органларини фаол ишлатиш кўп жиҳатдан сенаторларимизга боғлиқ.

Сенаторлар жойлардаги раҳбарлар ҳисоботини эшитиши, мамлакатимиз даражасида ҳал қилинадиган масалаларни Сенат муҳокамага киритиб бориши керак. Ушбу фаолиятни самарали ташкил этиш ва маҳаллий Кенгашларнинг иш сифатини ошириш мақсадида уларда доимий асосда ишлайдиган қотибати ташкил этишни тақлиф қиламан.

Шунингдек, халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, Кенгашларга вазирлик ва идоралар ҳудудий тузилмалари раҳбарларининг ўз лавозимига лойиқлиги юзасидан тақлиф киритиш ваколатини берсак, нима дейсизлар?

Маълумки, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунда Кенгашларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлган қарорлари Олий Мажлис томонидан белгиланган тартибда бекор қилиниши назарда тутилган. Бироқ шу кунга қадар ушбу нормани амалга ошириш механизми ишлаб чиқилмаган.

Сенат ҳудудий вакиллик пала-

таси эканини инобатга олиб, Кенгашларнинг қонунга зид қарорларини бекор қилиш ваколатини юқори палатага бериш тўғри бўлади, деб ўйлайман.

Еттинчидан, коррупцияга қарши кескин курашиш муҳитини яратишда Сенатнинг ролини кучайтириш зарур.

Бугунги кунда давлат хизматчилари, ҳатто юқори лавозимлардаги масъул шахслар томонидан содир этилаётган коррупция билан боғлиқ жиноятлар ҳам шош этилмоқда. Бу ҳақдаги хабарлар оммавий ахборот воситаларида тез-тез эълон қилинмоқда. Айниқса, муайян ҳудуд тақдирини ишониб топширилган айрим мансабдорларнинг порахўрлик ва коррупция жиноятига қўл ураётгани ташвишли ҳолдир.

Жойлардаги раҳбарларнинг қонунга зид фаолияти доимо ҳудудларда фаолият олиб бораётган сенаторларнинг эътибор марказида бўлиши керак. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир сенатор коррупцияга қарши курашнинг олдинги сафларида бўлиши шарт. Сенат аъзолари жамиятда қизгин баҳсларга сабаб бўлган ҳолатлар юзасидан, ялпи мажлисини кутиб ўтирмасдан, тезкор эшитувлар ташкил этиб, мутасадди шахслардан изоҳ талаб қилиши зарур.

Саккизинчидан, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликнинг барвақт олдини олиш масаласи Сенатнинг доимий эътиборида бўлиши керак.

Сўнги йилларда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида бир қатор ишларни амалга оширдик. Бироқ бу соҳада олдимизда ҳали ўз ечимини кутаётган масалалар мавжуд. Масалан, ўтган йили мамлакатимиз бўйича жиноят содир этган 47 миңдан ортик шахснинг 12 миң нафари ёки 25 фоизини ёшлар ташкил этган.

Бу кўрсаткич Қашқадарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида 39 фоиздан иборат бўлса, Андижон ва Наманган вилоятларида 38 фоиздан ошган. Лекин, миңг афсуски, ана шу вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Сенатнинг сайёёр мажлислари ўтказилиб, бундай ўта ташвишли ҳолат жиддий муҳокама қилинмаган. Ҳамма четда томошабин бўлиб ўтирибди.

Ўзингиз айтинг, бу аҳволда эртага қандай вазиятга тушиб қоламиз?

Бундай бепарволик ва эътиборсизлик энди тарихда қолиши керак. Янги сенаторларимиз ҳар бир масала бўйича тезкор муносабат билдиришлари ва зарур чора-тадбирлар кўриб боришлари лозим.

Бундан ташқари, безорилик ва фирибгарлик билан боғлиқ жиноятлар сони ортиб бормоқда. Шунинг учун жойларда жиноятчиликка қарши кураш олиб борадиган идоралар фаолияти сенаторларнинг доимий назоратида бўлиши лозим.

Хабарингиз бор, сўнги 3 йилда ўз қилимига чин дилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 4 миңдан ортик шахс афв этилиб, ўз яқинлари бағрига қайтарилди. Ўйлайманки, бу инсонлар келгусида ҳаётда ўз ўринларини топишда ҳам сенаторларнинг алоҳида ҳиссаси бўлади.

Агар ўз вақтида зарур чораларни кўриб, афв этилганларнинг ижтимоий ҳаётга мослашувини таъминласак, афв этиш тўғрисида биз қабул қилган фармонларнинг обрўси, таъсири нима бўлади?

Тўққизинчидан, Сенат давлат идораларининг жамиятда хотин-қизлар ролини ошириш борасидаги фаолияти устидан назоратни кучайтириши лозим.

Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастури доирасида қатор чора-тадбирлар белгиланган. Барча даражадаги раҳбарларга аёллар, айниқса, ёш қизларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни замонавий касб-хунарларга ўргатишни асосий вазифа сифатида белгиладик.

Ана шу вазифалар ижросини ташкил этиш ва назорат қилишда Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси муайян иш олиб бормоқда. Келгусида ҳам мазкур кўмита гендер тенгликни таъминлаш, оғир ижтимоий

вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни манзилли қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бандлигига кўмаклашишга оид вазифалар ижросини мунтазам ўрганиб бориши зарур. Бунинг натижаси бўйича масъул идоралар раҳбарларининг ҳисоботини эшитиб, уларнинг фаолият самарадорлигини оширишга кўмаклашиш лозим.

Албатта, Сенатда бу борада, озми-кўпми, ишлар қилинмоқда. Лекин, афсуски, маҳаллий Кенгашларда бу масала бўйича эътиборга лойиқ муҳокамалар деярли ўтказилмаган.

Ижро органларида, вазирлик ва идораларда гендер тенгликни таъминлаш, муҳтарам опа-сингилларимизга масъул лавозимларни ишониб топшириш бўйича кўп иш қилишимиз керак. Нега деганда, аёлларимиз ҳаётини муаммоларни бошқалардан кўра чуқурроқ билиши, фидойилиги, кучли масъулият туйғуси, меҳнатсеварлиги билан барчага ўрнак бўлади.

Ўнинчидан, Сенат фаолиятининг очиклигини таъминлаш борасида қилинаётган ишларни янада кучайтириш зарур.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юқори палатамиз жамоатчилик, айниқса, оммавий ахборот воситалари билан узвий ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Сенат фаолиятига ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилди ва юқори палатанинг махсус веб-портали яратилди.

Сўнги пайтларда Сенат мажлисларини жонли эфир орқали намоиш қилиш амалиётининг жорий этилиши халқлик парламентини шакллантиришнинг муҳим омили ва халқ олдида ҳисобот беришнинг самарали воситасига айланмоқда. Ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларни тизимли равишда давом эттириш зарур. Шунингдек, Сенатда бу борадаги ижобий амалиятни маҳаллий Кенгашлар фаолиятига ҳам жорий этиш яхши натижа беради, деб ўйлайман.

Навбатдаги долзарб вазифа — парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлашдан иборат.

Бу борада муҳим бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Икки палатали парламент ташкил этилгандан бошлаб ҳозирги кунга қадар жами 9 та қонун Сенат томонидан рад этилган. Ушбу кўрсаткич 2005 йилдан бугунгигача қабул қилинган барча қонунларнинг атиги 1,5 фоизини ташкил этади. Мазкур кўрсаткич аксарият ривожланган давлатларда бундан бир неча бор юқори эканини қайд этмоқчиман.

Биз қонуннинг Сенат томонидан рад этилишига салбий ҳолат деб эмас, аксинча, сифатли қонунларни қабул қилишга қаратилган демократик жараён сифатида баҳо беришимиз лозим.

Яна бир муҳим масала — қонунлар ижроси устидан парламент назоратини амалга ошириш Сенатнинг конституциявий ваколати ҳисобланади.

Айрим ҳолларда қонунларни амалга ошириш механизми бўлмагани уларнинг тўлиқ ишламаслигига сабаб бўлмоқда. Хусусан, бундай механизм қонуности ҳужжатларида назарда тутилган бўлса-да, уларда ўзаро мувофиқ келмайдиган ҳолатлар мавжуд.

Давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолиятини мувофиқлаштириш бевосита Адлия вазирлигининг вазифаси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Адлия вазирлигининг бу борадаги фаолияти парламент назоратининг марказида бўлиши лозим.

Маълумки, парламент фаолиятини сифатли ахборот-таҳлилий материаллар билан таъминлаш мақсадида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ташкил этилган эди. Ислоҳот талабларидан келиб чиқиб, мазкур институт фаолиятини янада кучайтиришимиз, уни депутат ва сенаторларнинг чинакам кўмакчисига айлантиришимиз лозим. Хусусан, қонун лойиҳаларининг қизгин муҳокамасини ўтказиш ва қабул қилинган қонунларнинг амалиётдаги таъсирчанлигини баҳолаш бўйича институт фаолиятининг самарадорлигини ошириш талаб этилади. Шу боисдан ҳам парламент мазкур институт фао-

лиятини тубдан такомиллаштириш масаласини кўриб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Яна бир муҳим масала — хорижий мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантиришда юқори палатанинг ролини янада кучайтириш лозим.

Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини юксалтириш, халқаро алоқаларини ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш Сенатнинг муҳим вазифаси бўлиб қолади. Сенатнинг ушбу йўналишдаги фаолияти самарасини кучайтириш мақсадида ҳар йили аниқ бир мавзуга бағишланган халқаро конференциялар, учрашув ва форумлар ўтказиш учун режалар ишлаб чиқиш ва уларни Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда амалга ошириш лозим. Масалан, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бошқа долзарб масалаларни кенг муҳокама қилиш мақсадида мувофиқдир.

Сенат хорижий давлатлар билан ҳамкорлик масалалари бўйича ҳар йили дастурлар қабул қилиб, ижросини қатъий назоратга олса, бу яхши амалиёт бўлган бўларди. Шу мақсадда Парламент дипломатияси концепциясини қабул қилишни тезлаштириш керак.

Шу билан бирга, Парламентлараро Иттифок, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент Ассамблеяси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси билан ўзаро ҳамкорликни аниқ ва узоқ муддатли иш режалари асосида давом эттириш лозим. Бундан ташқари, Олий Мажлис аъзо бўлиши қутиллаётган Туркий тилли давлатлар Парламент Ассамблеяси ва бошқа халқаро парламент тузилмалари доирасида ҳам ҳамкорликни кучайтириш керак.

Бу борада бир масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Маълумки, Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги элчиларини тайинлаш Сенатнинг вазифаси бўлиб, бу жараёнда уларнинг келгуси фаолияти учун белгилаб олган дастурлари эшитилади. Лекин ундан кейин-чи? Сенат билан элчиларнинг ўзаро алоқаларини ривожлантиришга зарурат борми? Албатта, бор. Шу сабабли Сенатнинг ташқи сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги вазифаларини амалга оширишда юқори палатада Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчилари ҳисоботини эшитиш амалиётини йўлга қўйишимиз керак.

Ҳурматли сенаторлар!

Энди кун тартибига киритилган ташкилий масалага ўтадиган бўлсак, аввало, Сенат Раиси ва унинг ўринбосарларини сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишимиз зарур.

Маълумки, Конституциямининг 93-моддасига мувофиқ, Сенат Раислигига номзод Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилиши белгилаб қўйилган. Ана шу нормага асосан, кўпчилик, жумладан, тажрибали сенаторлар билан маслаҳатлашиб, чуқур ўйлаган ҳолда, мен Олий Мажлис Сенати Раиси лавозимига Нарбаева номзодини тақдим этмоқчиман.

Танзила Камаловна сўнги 30 йилда турли масъулиятли раҳбарлик лавозимларида самарали меҳнат қилиб келмоқда. 1995 — 2010 йилларда Вазирлар Маҳкамасида оналик ва болалик, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза масалалари билан шуғулланган. 2010 — 2016 йилларда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси, 2016 — 2019 йилларда Бош вазир ўринбосари — Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси лавозимларида самарали меҳнат қилди. Охириги олти ойда Сенат Раиси сифатида катта ишларни амалга оширди.

Танзила Камаловна бошқарув, жамоат ишларида катта тажриба тўплаган малакали раҳбар кадрларимиздан бири, десак, муболаға бўлмайди.

Муҳтарам сенаторлар!

Бугун барчангиз ушбу номзодни тўлиқ қўллаб-қувватлаганингиз ва ўз хурматингизни билдирганингиз

Танзила Камаловнага катта ишонч ва ғайрат бағишлаши шубҳасиз.

Ҳурматли Танзила Камаловна, Сизга масъулиятли фаолиятингизда янги омадлар ва улкан зафарлар тилайман.

Энди Сенат Раисининг ўринбосарлари лавозимига номзодлар ҳақида гапирадиган бўлсак, мен бу вазифаларга кўйидаги номзодларни тавсия этмоқчиман.

Сенат Раисининг биринчи ўринбосари лавозимига сенатор Содиқ Солиҳович Сафоев номзодини тавсия этаман.

Бу киши салкам 30 йил давомида ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий масалалар соҳасида муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда. Турли йилларда ташқи ишлар вазири, Ўзбекистоннинг Германия ва АҚШдаги Фақуллода ва мухтор элчиси бўлиб ишлаган. 2005 — 2016 йилларда Олий Мажлис Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари кўмитаси раиси, 2016 йилдан буён эса Сенат Раисининг биринчи ўринбосари лавозимига фаолият кўрсатиб келмоқда.

Содиқ Солиҳовични барчангиз моҳир дипломат, халқаро майдонда танилган жамоат арбоби сифатида яхши биласиз. Бу раҳбар ҳам ўз зиммасига юклатилган вазифаларни муносиб адо этишига тилакдошман.

Сенат Раиси ўринбосари лавозимига сенатор Муса Тажетдинович Ернийезов номзодини тавсия этаман.

Бу олижаноб инсон, оқсоқолимиз ўз фаолиятини қурилиш соҳасидан бошлаб, кейинчалик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари лавозимига хизмат қилган. Қорақалпоқ элининг катта ҳурмат ва эътиромини қозониб, 2002 йилдан буён Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, бир пайтнинг ўзида Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари сифатида ишлаб келмоқда.

Ўтган йили мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, ислохотлар жараёнларидаги фидойилиги, ибратли фаолияти учун Муса Тажетдиновичга Ўзбекистон Қаҳрамони деган юксак унвон берилганидан барчангиз хабардорсиз.

Бу кўпни кўрган, тажрибали ва ташаббускор раҳбар, камтарин ва меҳнаткаш инсон билан сенаторлар биргаликда самарали ишлайдилар, деб ишонаман.

Сенат Раиси ўринбосари лавозимига сенатор Зайниддин Маҳаматович Низамходжаев номзодини тавсия этаман.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Қаҳрамони Зайниддин Маҳаматовични бу залда ўтирганларнинг ҳаммаси яхши танийди, деб ўйлайман. Узоқ йиллар давомида халқимизнинг сийҳат-саломатлиги, фан, таълим, маданият ва спорт соҳалари тараққиёти йўлида катта ишларни амалга ошириб келмоқда. Бу киши охириги 5 йилда Олий Мажлиснинг тегишли кўмитаси раиси сифатида фаол иш олиб борди.

Зайниддин Маҳаматович янги масъулиятли лавозимда сизлар билан яқин ҳамкорликда муваффақиятли фаолият кўрсатишига ишонаман.

Ҳурматли Сенат аъзолари! Албатта, ҳозир айтиб ўтилган вазифалар барча сенаторлардан юксак масъулият, ташаббускорлик ва фидойиликни талаб этади. Ушбу вазифаларнинг самарали амалга оширилиши Сенатни келгусида профессионал палатага айлантириш борасида дастлабки муҳим қадам бўлади, деб ишонаман.

Бугун кўп миллатли халқимиз биз, раҳбарлардан, авваламбор, янги сайланган депутат ва сенаторлардан ҳаётимизни янада эркин, обод ва фаровон этишга қаратилган амалий ишларни кутмоқда. Барчамиз сайловчилар олдида, юртдошларимиз олдида бизга билдирилган юксак ишончга ҳар томонлама муносиб бўлишимиз керак.

Ҳар кунни, ҳар соатда виждонимиз олдида ҳисобот бериб, ҳалол-поқ бўлиб, эл-юрт манфаатини ўйлаб ишласак, мен аминман, халқимиз ҳам, Яратган ҳам биздан рози бўлади.

СЕНАТ ФАОЛИЯТИДА ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИДАН КЕНГ ФОЙДАЛАНИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлисидаги Президентимиз нутқи сенаторлар томонидан қизғин кутиб олинди. Унда Сенат фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, айниқса, маҳаллий Кенгашлар ишини жонлантириш масалаларига катта аҳамият қаратилди.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Абера ХУСЕИНОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси: — Президентимиз нутқи биз, аёл сенаторларни ҳам руҳлантириб юборди. Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларда аёб раҳбарларга ҳам суниини алоҳида таъкидлади. Нутқда, айниқса, биз, сенаторлар олдида турган долзарб вазифалар хусусида сўз борди.

Раҳбари олдимизга қўйган кўп қирралли стратегик вазифаларнинг самарали ижросини таъминлашда фойдаланиш мақсадаги мувофиқ экани қайд этилди. Нутқда бизнинг кейинги беш йиллик фаолиятимиз иш режаси белгилаб берилди, десам, муволага бўлмайди.

Махмуд ТОИРОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси: — Сенатнинг биринчи ялпи мажлиси тарихий воқеага айланди, десак, асло янглишмаймиз. Чунки унда давлатимиз раҳбари томонидан жуда катта тарихий ташаббуслар илгари сурилди. Аввало, ҳар бир сенаторнинг ўрни халқнинг ичиди, халқ билан бирга бўлиши таъкидланди. Бугун у қандай кун кўряпти, уни қандай муаммолар ташвишга солмоқда ва бу масалаларни қандай ҳал қилиш кераклиги ҳар бир сенатор ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатларининг асосий вазифасига айланмоғи шарт. Маҳаллий Кенгашларнинг кадрини кўтариб, муаммоларнинг тизим-

ли ечимини топишимиз кераклиги ҳам қайта-қайта айтилди. Президентимиз эътибор қаратган долзарб масалалардан яна бири, бу — тарбия масаласи бўлди. Тарбиясиз ҳеч қандай муваффақиятга эришиб бўлмайди. Бугунги Ўзбекистонга эзгу амал, эзгу ахлоқ ва эзгу ниётли авлодлар керак. Мукамал тарбиясиз эса бундай авлодни воқега этказиб бўлмайди. Шу сабабли, биз, сенаторлардан бу масалада ҳам жиддий эътибор қаратиш ва тарбия ҳолидаги ҳар бир муаммо парламентнинг дохий назоратида бўлиши кераклиги қайд этиб ўтилди.

Эркин ГАДОВЕВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси: — Давлатимиз раҳбари 2020 йилдаги мамлакат тараққиётида устувор йўналишлар сифатида аёллар ва ёшлар масаласи ҳамда маданият, санъатга долзарб ислохотларга катта урғу берилишини таъкидлаб ўтди. Аёллар ва ёшларга манзилли ёрдам кўрсатишни янада кучайтириш, уларнинг турли ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш каби вазифалар ижроси учун бу йилги Давлат бюджетидан жуда катта маблағлар ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Худди шунингдек, юртимизда санъат ва маданият ривожини янги босқичга олиб чиқиш учун ҳам улкан амалий тадбирлар белгилангани айтиб ўтилди. Эътибор ва масъулиятнинг нақадар долзарблигини ортиқча изоҳлашга ҳожат йўқ. Давлат раҳбари бу орқали миллий ўзалигимизни асраб-авайлаш, уни бор жойибоси ва моҳияти билан бутун дунёга кўз-кўз қилиш ва энг муҳими, бу анъ-

аналар руҳида келажак авлодни тарбиялашга катта эътибор қаратилишини қайд этди. Мазкур йўналишлар биз, сенаторларнинг фаолиятида ҳам дастуриламал бўлади.

Носирбек АБДУЛЛАХОНОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси: — Мамлакатимизнинг энг ёш сенаторларидан бири сифатида юқори палатанинг биринчи мажлисида иштирок этиб, давлатимизнинг эртанги кунини учун биз ҳам қанчаласи масъул эканимизни ҳис қилдим. Президентимиз бизга жуда катта ишонч билдирипти. Халқ орасига янада яқинроқ кириб бориш, ўзимиз сайланган ҳудудда аҳоли билан мунтазам мулоқотлар ўтказиш ва уларни қийнаётган муаммолар юзасидан амалий ечимларни тақлиф этиш каби вазифалар зиммамизга юкланмоқда.

Янги парламент вакилларидан жойларда маҳаллий Кенгашлар ишини жонлантириш талаб қилинмоқда. Кенгашлар халқимизнинг чинакам ишонган адолатли манзилига, унинг муаммоларини ҳал қилиб бера оладиган вакиллик органига, том маънода, айланмоғи лозим. Чунки қонунларнинг самарали ижроси жойларда таъминланмас экан, улар тўлақонли ишламайди. Бу эса юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш, унинг инвестициявий жозибдорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатади. Шу боис Президентимиз нутқига кўтарилган ҳар бир масала биз, сенаторларнинг қундалик иш режасига айланди.

Мунисхон КАРИМОВА («Халқ сўзи») ёзиб олди.

Депутат фикри

Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишидаги нутқидан ўрин олган устувор вазифалар, қонун ижодкорлиги соҳасидаги мавжуд муаммолар ечимига қаратилган тақлифлар парламентнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ролини янада оширишга хизмат қилади, десак, айни ҳақиқат. Нутқда биз, депутатларни анчадан бери ўйлантириб келаётган қатор масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

Ҳозирданок қонун лойиҳасини ёзишга киришдим

Авваламбор, кўйи палата қонун лойиҳаси қўриб чиқиладиган ҳақиқий бахс майдонига айланиши лозим. Бунинг учун парламентда муҳолиф фракция бўлиши ҳамда у кўпчилик ўрнини эгаллаган фракция билан рақобатлаша олиши даркор. Хусусан, муҳолиф фракция қонун лойиҳасининг муқобил таъхирини киритиш бўйича ўзига қонун билан берилган ҳуқуқидан самарали фойдаланиши мақсадаги мувофиқ.

Бугунги кунда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан киритилаётган қонун лойиҳасининг сифати юқори даражада эмаслиги сабабли, парламент кўйи палатаси уларни Конституция ва қонунларга ҳамда юридик техника қондаларига мослигини таъминлаш билан банд бўлмоқда. Чунки, ўтган даврда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган қонун лойиҳаларининг қарийб 70 фоизи депутатлар томонидан қайта ишлангани юқоридagi фикримизга яққол мисол бўла олади.

Давлатимиз раҳбарининг парламент назорати таъсирчанлигини кучайтириш ҳақида берган тақлиф қонун чиқарувчи органнинг ҳокимиятлар ўртасидаги мувозанатни таъминлашга хизмат қилади. Айниқса, бюджет ижросини назорат қилишда парламент янада талабчанликни ошириши лозим. Бюджетдан сарфланидиган ҳар бир сўм учун ижро ҳокимияти парламент олдида ҳисобдор бўлиши керак. Президент таъбири билан айтганда, молия вазири парламентдан “ҳайқиб туриши” лозим.

Қонунчилик палатасидаги қўмиталарнинг назорат-таҳлил фаолияти кучайтирилиши зарурлиги ҳам алоҳида таъкидланди. Бу бежиз эмас. Чунки бугунги кунда “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, парламент назоратининг 15 та шаклидан 6 тасида қўмиталарнинг бевосита иштироки назарда тутилган бўлса-да, амалда уларнинг барчасидан ҳам тўлиқ ва самарали фойдаланилди, деб айта олмаيمиз. Жумладан, янги парламентнинг қўмиталари қонунчилик ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан доимий мониторинг олиб бориш ишларини қўлайлиги даркор, деб ҳисоблаймиз. Президентимиз таъкидлаганидек, парламент назорати натижалари бўйича, зарур бўлса, мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги масаласини кун тартибига қўйиш мақсадаги мувофиқ.

Яна бир масала. Бу мансабдор шахслар номига йўлланган депутат сўровларидир. Айтиш лозимки, амалдаги қонунчиликка кўра, депутат мансабдор шахсларга, қонун тарихида, тегишли сайлов округи сайловчиларининг ҳуқуқ ва қўнийи манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасида сўров юборишга ҳақли. Яъни бундан қўринадики, ҳар бир депутат сўровининг ортида, аввало, халқ манфаати туради. Бироқ амалиётда айрим мансабдор шахслар бундай сўровларга бевоситалик билан қараб, унга ўз вақтида жавоб юбормайди. Еки бўлмаса, депутат сўровига жавобни бевосита мансабдор шахс эмас, балки бунга ваколати бўлмаган бошқа шахслар томонидан имзолаш ҳоллари кузатилади.

Масалан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан ўтган 5 йил мобайнида 856 та сўров юборилган. Таъкидлаш лозимки, 2019 йилда ҳам 242 та депутат сўрови муайян идоранинг биринчи шахси (раҳбари) номига юборилган бўлса, уларнинг 175 тасига (72 фоиз) ўринбосарлар томонидан, 13 тасига (5 фоиз) ўзи ташкилот раҳбарлари ва 2 тасига (1 фоиз) умуман бошқа идора мансабдор шахслари томонидан жавоб хати берилган. Натижада депутат сўровларига жавоблар сифатсиз, кутарилган масалага юзаси ёндашув ҳамда саволларга аниқ жавобнинг йўқлиги каби ҳолатлар вужудга келмоқда. Мажлисда халқ вакилининг сўровига бундай бепосандлик кескин танқид қилинди. Шу билан бирга, бундай ҳолатларнинг олдини олишининг самарали йўли Президентимиз томонидан тақлиф этилди. Ҳар депутат сўровига жавоб хати сўров кимнинг номига юборилган бўлса, айнан ўша мансабдор шахснинг ўзи томонидан имзоланиши зарурлигини қонунда белгилаш тақлиф этилди.

Умуман, Президентимизнинг ушбу тақлифлари депутатлик фаолияти кафолатларини кучайтиришга, мансабдор шахсларнинг халқ вакиллари олдидаги масъулиятини оширишга хизмат қилади. Шу сабабли мен ушбу тақлифдан келиб чиқувчи қонун лойиҳасини ёзишга ҳозирданок киришдим.

Жаҳонгир ШИРИНОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ПРИНЦИПИГА ҲАМОҲАНГ АМАЛИЁТ

Бундан уч йил аввал илк мартаба давлат раҳбарининг Олий Мажлис палаталарига Мурожаатнома тақдим этиш институти жорий этилган эди. Ушбу амалиёт мамлакатимиз сиёсий-ҳуқуқий тарихида том маънода янги воқелик бўлди.

Нега деганда, давлат бошқарувининг бундай демократик усули, аввало, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар — халқ билан мулоқот принципига ҳамоҳанг эканини намойён этади. Қолаверса, ушбу замонавий ёндашув бугун барчамамизнинг иш фаолиятимиз самарадорлигини янада оширишга хизмат қилапти.

Нуктаи назар

Давлатимиз раҳбари миллий парламентга йўллаган охириги Мурожаатномасида суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш масаласига ҳам алоҳида тўғрилиб, бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш юзасидан ғоя ва тақлифларини билдириган эди. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, бу тизим қонун устуворлигини, ҳақиқат ва адолатни қарор топтиради янада муҳим тузилма ҳисобланади.

Ўтган даврда суд тизимини ислоҳ қилиш доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди бирлаштирилди. Қарор қабул қилишда судьялар эркинлигини таъминлаш, шунингдек, профессионал судьялар корпусини шакллантиришда ҳолисликни таъминлаш мақсадида Судьялар олий кенгаши ташкил этилди. Ушбу тузилма ҳозирги пайтда муस्ताқил суд ҳокимиятининг конституциявий тамойилга амал қилишини таъминламоқда. Судьялар ваколат мuddатининг илги беш ва ўн йиллик даври ўтганидан сўнг лавозимда мuddатсиз бўлиш амалиёти жорий қилинди. Судьялар олий кенгаши карорисиз судьяларни жавобгарликка тортишга йўл қўйилмайди.

Давлатимиз раҳбари миллий парламентга йўллаган охириги Мурожаатномасида суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш масаласига ҳам алоҳида тўғрилиб, бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш юзасидан ғоя ва тақлифларини билдириган эди. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, бу тизим қонун устуворлигини, ҳақиқат ва адолатни қарор топтиради янада муҳим тузилма ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари миллий парламентга йўллаган охириги Мурожаатномасида суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш масаласига ҳам алоҳида тўғрилиб, бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш юзасидан ғоя ва тақлифларини билдириган эди. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, бу тизим қонун устуворлигини, ҳақиқат ва адолатни қарор топтиради янада муҳим тузилма ҳисобланади.

Эндиликда судьяларни тайинлаш

бўлса, 2019 йилда жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 36 845 нафар шахсга нисбатан 28 846 та иш қўриб чиқилди. Мазкур кўрсаткичлар 2018 йилдаги нисбатан шахслар бўйича 24,2 фоиз, ишлар бўйича эса 24,4 фоиз камайганини ифода қилади. Шунингдек, ўтган йилда 859 нафар шахс оқланди ва реабилитация қилинди. Ҳисобот даврида ярашув институтининг самарали қўланилиши натижа-сида 7329 нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Юқоридagi ислохотларнинг ҳаммаси Президентимизнинг миллий парламентимизга йўллаган Мурожаатномаси ва у орқали белгилаб берилган аниқ вазифалар ижроси асосида рўйбга чиқарилди, десак, тўғри бўлади.

Давлатимиз раҳбари аънаёнаги мувофиқ, яқин кунларда янги парламентимизга Мурожаатнома тақдим этади. Биз бунга катта қизиқиш билан кутялмиш. Чунки бу муҳим ҳужжатда айтадиган нафақат ҳар бир масала, балки ҳар бир сўз, бугунги кун ҳолатидан келиб чиқиб, халқимиз фаровонлигини янада яқшалтириш, улар ҳаётдан рози бўлиб юсалтириш, умуман, Ватанимиз равнақли қафолатлашга йўналтирилиши аниқ.

Ишончлигимиз комилки, миллий парламентимиз ва шу орқали Ўзбекистон халқига айтадиган Мурожаатнома юртимизни ҳар томонлама ривожлантириш, барча соҳа ва тармоққа этишқобили янада яқшиллашда муҳим дастуриламал ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли ҳам уни ўрдошларимиз интиқлик билан кутяпти, десак, сира муволага эмас.

Убайдулла МИНГБОВЕВ, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси.

АҚШлик олим:

«ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАН ҲАМДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА»



2019 йилнинг 16-17 октябрь кунлари Самарқанд шаҳрида “Озиқ-овқат хавфсизлиги: миллий ва глобал омилар” мавзусида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференцияда хорижий экспертлар қаторида АҚШлик таниқли академик ва иxtирочи Эфроим Гурман ҳам қатнашган эди. Академик яқинда Американинг www.hvy.com сайтига берган интервьюсида юртимизда бўлган кунлари, таассуротлари, айниқса, илм-фанни ривожлантириш борасида қилинаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида алоҳида гапирди ўтди.

Куйида ана шу интервьюнинг энг муҳим жиҳатларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Биз ва жаҳон

— **Муҳим илмий конференцияда иштирок этиш учун Ўзбекистонда борганингиздан хабардорман. Унда нималар муҳокама қилинди?**

— БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти томонидан ташкил этилган муҳим халқаро илмий конференция Самарқанд давлат университетидея ўтказилди.

Айтиш керак, Ўзбекистон бундан уч-тўрт йиллар олдин Марказий Осиёнинг девяри ёпиқ мамлакатиди саналар эди. Кейинги йилларда бу ерда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида катта ўзгаришлар рўй берди. Мазкур анжуманининг ўтказилиши ҳам ана шу ислохотларнинг ифодаларидан биридир. Биринчи марта ташкил этилган конференцияга 12 мамлакатдан олимлар, жумладан, Марказий Осиё илмий элитаси вакиллари ҳам таъриф буюрди.

Унинг очилишида мезбон давлат вакиллари билан бирга БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилотининг Марказий Осиё бўйича масъули Гухер Шунгер ҳамда мазкур ташкилот-

нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари А. Шукров маз-руза қилди. Инсоният учун озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосига ечим топиш мақсадида олимларнинг бир жойга жамланishi мени янги изланишларга руҳлантирди.

— **Ушбу конференцияда эътиборингизни жалб этган жиҳатлар ҳақида айтиб ўтсангиз. Умуман, Сизнинг тақдирингиз қандай кутиб олинди?**

— Ўзбекистонга боришни режалаштираётган пайтимида мунозаранинг асосий мавзуси чекланган озиқ-овқат манбалари, очлик ва шу каби мавзулар бўлишини кутган эдим. Мен аввалдан мавжуд бу муаммонинг катта муҳлиси эмасман. Аслида, америкалик бўлганим учун асосий таъвишим бир оз текарисни эди. Яъни сенимлик, саноатлашган давлатларда озиқ-овқат махсулотларининг сифатсизлиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги билан чамбар-час боғлиқ бўлган масалалардир.

Шу боис мени тушунамсликларидан ҳадиксирган эдим. Аммо кутилмаганда тақдимотим катта қизиқиш билан қарши олинди. Изланиш ва фикр-мулоқазаларимга билдирилган катта эътибор келгусида ҳам тадқиқотни ушбу йўналишда олиб боришга руҳлантирди. Бир қанча вақт давомида саноат муҳитида овқатланиш жараёнида нўсонлар ўрнини босадиган парҳез кўчимчалар устидея ишладим ва бу борадаги энг муҳим фикрларни биринчи марта Самарқандда, ҳам-касбарларим олдида маълум қилдим. Изланишларим юқори илмий дора вакиллари томонидан қўллаб-қувватланганидан сўнг ушбу мавзу бўйича тегишли монография устидея бўлиб бераман.

— **Демак, Ўзбекистондаги чиқинғилардан жуда мамнунсиз. Бу хурсандчиликнинг яна бошқа сабаблари ҳам борми?**

— Албатта. Аввало, мамлакатда илм-фан ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг Фарб аҳолиси учун очкилиги мени ҳайратга солди. Қолаверса, америкаликлар хавфсиз саёҳат қила оладиган бундай давлатлар кўп эмас. Исрол чи-

Анжуман

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАҲАЛЛАСИ ҲАМ ЯНГИ БЎЛИШИ КЕРАК

Кеча пойтахтимизда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг видеоселектор шаклидаги кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди.

Тадбирда республика маҳаллалар кенгаши, унинг худудий тузилмалари томонидан 2019 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашлар ва маҳаллаларнинг 2020 йилдаги устувор вазифалари, жойларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш ва ёшлар таълим-тарбиясида мазкур ноёб тузилманинг ролини янада кучайтириш масалалари чуқур таҳлил қилинди. Бугунги кунда мамлакатимизда

9121 фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, улар ислохотлар жараёнида фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, “Хавфсиз худуд”, “Хавфсиз шаҳар”, “Хавфсиз маҳалла” концепцияларини ижтимоий ҳаётга изчил татбиқ этиш, маҳаллаларни жиноятчиликдан холи худудга айлантириш, “Жиноят ҳақиқати ва адолати” тизимини татбиқ қилиш, аҳоли, аввало, ёшлар онгида “Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак” деган тушулчани сингдириш борасида кўпуб эзгу саъй-ҳаракатлар олиб борилаётир.

2019 йилда

- ▶ 740 та фуқаролар йиғини биноси таъмирланди,
- ▶ 206 таси реконструкция қилинди,
- ▶ 365 таси янги қурилди,
- ▶ 102 туман ва шаҳарда маҳалла марказлари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ўтган йили маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини сақлашда кекса авлод вакилларининг бой ҳаётий тажрибасидан самарали фойдаланиш мақсадида барча фуқаролар йиғинларида “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилди. Қайд этилганидек, тизимда олиб борилаётган кенг кўламли ишларда давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 3 февралдаги “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2019 йил 2 апрелдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлада маҳалла институтининг мавқени тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Табиийки, ушбу саъй-ҳаракатлар бесама қетаётгани йўқ. Буни биргина ҳужуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида қўлга киритилган натижалар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўтган йили

- ▶ 3 минг 74 та маҳаллада умуман жиноят содир этилмади,
- ▶ 2 минг 856 та маҳаллада жиноятчилик камайишига эришилди.

Кенгаш йиғилишида ташкилий масала кўрилди. Шу пайтга қадар кенгаш раисининг биринчи ўринбосари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди раиси лавозимидея ишлаб келган Шавкат Жавлонов бошқа ишга ўтгани сабабли лавозимидан озод этилди. Эндиликда у ўз фаолиятини Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси раисининг ўринбосари вазифасида давом эттиради.

Фаргона вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи лавозимидея ишлаб келган Раҳмат Маматов республика маҳаллалар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди раиси этиб тасдиқланди.

Шунингдек, йиғилишда маҳаллаларнинг ижобий тажрибаларини халқаро майдонда кенг тарғиб қилиш, салбий

иллатларнинг олдини олишда унинг имкониятларидан унумли фойдаланиш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳга йўл қўймаслик ҳамда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш каби масалалар атрофида кўриб чиқилди.

Ўз навбатида, янги Ўзбекистоннинг янги маҳалласи бўлиши кераклиги, унинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ҳам янги бўлиши лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р. Қосимов қатнашди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ («Халқ сўзи»)

Таълим муассасаси шаҳар марказида, чиройли хиёбонда жойлашган. Университет раҳбари жуда аjoyиб инсон. Профессор Руслан Холмуродов ўз ғоя ва ташаббуслари билан олий таълим даргоҳида билим бериш сифатини ошириш учун жонболик кўрсатмоқда. Мен ушбу университетнинг замонавий воқеликка мос равишда янги даврга ўтиш йўллари ҳақидаги ғояларини қўллаб-қувватлайман. Биз бу ҳақда жуда қизиқарли ва самарали сўбат қилдик. Университет ғоя ва ташаббусларини амалга оширишда аjoyиб жамоага эга. Масалан, биология факультети декани, профессор Худойёр Маматов, Физиология кафедраси мудири, профессор Мирзохид Қўзиёев ва бошқалар.

Кейинги йилларда таълим ва фан соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишда СамДУ етакчилик қилиб келмоқда. СамДУ дунёнинг таниқли университетлари рейтингини — “World University Rankings Quacquarelli Symonds, Times High Education”да энг яхши 500 та таълим муассасаси орасида ўз ўрнини эгаллаш керак ва мен умид қиламанки, бу амалга ошади.

— **АҚШга қайтиб келганингиздан сўнг Ўзбекистонлик ҳамкасблар билан алоқалар давом этмоқдами?**

— Ҳа, албатта. Ҳозир биз мунтазам ҳамкорликда ишляямиз. Баъзи тадбирларни биргаликда ўтказиш борасида келишиб олганим. Мисол учун, талабаларга Ўзбекистон ва АҚШда билим ҳамда кўникмаларини оширишга ёрдам бериш учун ўзаро ҳаракатларнинг дастлабки қадамларини ташладик. Бундан ташқари, СамДУ биология факультети АҚШ компаниялари билан ҳамкорликда фармацевтик тадқиқотлар олиб бориш учун замонавий лабораторияларни ташкил этиш чораларини кўрмоқда.

— **Самарқанд давлат университетининг ўзига хослиги нимада экан?**

— Биринчидан, у дунёдаги энг қадимий университетлардан бири саналади.

Маълумот учун: академик ва иxtирочи Эфроим Гурман — Бруклин ветеринария клиникаси раҳбари. У “Vet Vettes” компанияси асосчиси, биология соҳаси бўйича кўпуб мақолалар ва монографиялар муаллифидир.

Фозилдин АБИЛОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Президент топширигидан сўнг



Мамлакатимизда кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги, хусусан, унинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган қуёнчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун махсус дастурлар ишлаб чиқилиб, соҳа вакилларига қатор қулайликлар яратилмоқда. Ўтган йили Ўзбекистон Қуёнчилик хўжаликлари ассоциацияси ташкил этилгани ҳам мазкур йўналишдаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

2020 – 2024 йилларда республикамизнинг барча ҳудудларида қуёнчилик кластерлари ташкил этилади



Соғлом овқатланишнинг замонавий тенденцияси ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг парhez гўшт истеъмол қилиш меъёри хусусидаги тавсиясини инобатга олсак, инсон йил давомида истеъмол қиладиган гўшт маҳсулотларининг 5 фоизи, яъни 4,5 килограмми қуён гўшти бўлиши керак экан. Шундан келиб чиқиб, айтадиган бўлсак, ҳозирги кунда юртимиз бозорида назарий жиҳатдан йилига 150 минг тонна қуён гўштига талаб бор.

ларниқидан фарқ қилади. Таркибидagi оқсилнинг 90 фоизи инсон организми томонидан тўлиқ ўзлаштирилади. Бундан ташқари, қуён гўштидан инсон саломатлиги учун фойдали бўлган лецитин каби моддалар мавжуд. У, шунингдек, минерал тузларга, кальций ва фосфорга бой. Умуман олганда, яхши таъмига эга. Шу каби ижобий фазилатлари тўғрисида қуён гўшти жигар, меъда, юрак-қон томир тизими касалликлари, қандли диабет, аллергияси бор инсонларга тавсия этилади.

моқнинг озуқа базасини шакллантириш ҳам долзарб масала. Шу боис ҳозир юртимизда мана шундай масалаларни ҳал этишга, тармоқни кучайтиришга Президент даражасида эътибор қаратилиб, жиддий киришилмоқда.



Таҳлилларимизга кўра, республика миқёсида урғочи қуёнлар сони 900000 бошга, ем ишлаб чиқариш кўрсаткичи 306540 тоннага, гўшт ишлаб чиқариш 28350 тоннага, қуён гўштидан консерва тайёрлаш ҳажми эса 37 968 750 донага етказилади. Йилига 21,442 миллион сўм соф фойда кўрувчи 45000 та шахсий томорқа хўжалиги вужудга келади. Натижанда 2280 кишининг бандлиги таъминланади. Қуён маҳсулотларини экспорт қилиш ҳисобига бюджетга 648,240 миллион АҚШ доллари тушум қилиши мумкин.

чилик равнақи нафақат бозорда истиқболли талабни шакллантиришдаги имкониятлари, балки унинг биологик хусусиятлари тўғрисида маълумот берди. Яъни уй ҳайвонлари орасида энг тез етиладигани шу жонзот. Мисол учун, бузук вази 47 кунда икки баробар ошса, қуён боласи бундай натижага 6 кунда эришади. Шунингдек, урғочи қуёнларни тўрт ойлигидан бошлаб урчишти мумкин. Боқиси ва парварши яхши шароитда тирек вази 5 килограмм бўлган битта урғочи қуён йилига 7 мартагача болалаш, пировадда боқува 42 тагача қуёнча олиш мумкин. Бу эса 100 килограммгача гўшт, 42 дона мўйна, дегандир.

грамм қуён момигидан 2000 метр сифатли ип олиш мумкин. Қисқаси, ушбу узунқулоқ жониворнинг фойдали жиҳатлари бисёр. Шундай экан, мазкур тармоқни ривожлантириш ва бу турдаги гўшт истеъмолини кўпайтириш аниқ мудоаодир. Бу, шунингдек, Ўзбекистонда озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини оширишда ҳам долзарб аҳамиятга эга.

ликамининг барча ҳудудига бўлди. Масалан, бизнинг гуруҳ Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Самарқанд вилоятлари бисёр. Шундай экан, мазкур тармоқни ривожлантириш ва бу турдаги гўшт истеъмолини кўпайтириш аниқ мудоаодир. Бу, шунингдек, Ўзбекистонда озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини оширишда ҳам долзарб аҳамиятга эга.

ЗАМОНАВИЙ КИНОТЕАТРЛАР ТАРМОҒИ САЙЁҲЛИК ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИГА АЙЛАНМОҚДА

Дунёда қулай ва ўзгача услубдаги кинотеатрлар кўп. Уларнинг бирида фильм томоша қила туриб, ўзингизни худди ресторандагидек ҳис этсангиз, бошқасида қўйиладиган фильмлар анонс қилинмайди, балки томошабинлар уларни қандай кино кутаётганини фақат кинотеатрга ташриф буюрибгина билиб оладилар. Грециядаги Акрополь ва Пантеон обидалари атрофида жойлашган маданият маскани эса очик осмон остидаги кинотеатр сифатида машҳур. Бу ерга тарихий муҳитда замонавий кинофильмлардан баҳраманд бўлиш истагидигилар ташриф буюради.

Масалан, Шахрисабз шаҳридаги янги кинотеатр курилишида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг 2 млрд. 600 минг сўмлик кредитидан унумли фойдаланилди. "Ширин" масъулияти чекланган жамияти томонидан бу ерда кинозал билан бирга, болалар ўйингоҳи, турли кўнгилочар масканлар ҳам курилиб, ташриф буюрувчилар учун қўшимча қулайликлар яратилди.

барпо этиш ниятида. Шу мақсадда дунёнинг машҳур кинотеатрлари билан яқиндан танишялмиз. Янги лойиҳамиз ижросида ҳам банкнинг молиявий кўмагига таянамиз.



— Кинотеатр 180 ўринга мўлжалланган 2 та залдан иборат, — дейди кинотеатр раҳбари Баҳром Жўраев. — Унинг икки қаватли биносини қуриш ва жиҳозлаш учун "Ўзмилийбанк" томонидан 1,2 млрд. сўмлик кредит ажратилди. Томоша учун барча шорт-шароитга эга масканимизда аниқ пайтда 7 нафар ёш доимий иш жойи билан таъминланган.

Қарор ва ижро

Бинобарин, бугунги кунда кинотеатрлар туризм инфратузилмасининг ажралмас қисмига айланган улгурган. Шу боис юртимизда замонавий кинотеатрлар тармоғини барпо этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 7 августдаги "Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги "2018-2019 йилларда замонавий кинотеатрлар тармоғини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда бугунги замон талабларига жавоб берадиган кинотеатрларни ташкил этиш тизимини йўлга қўйиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Миллий агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки зиммасига мамлакатимиз ҳудудларида янги кинотеатрлар барпо этиш ва фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилган эди.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 60 552 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Ташрифта келган қўёмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади. Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета ташрифт компьютер марказида терминал ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов. Мусаҳҳах — Ш. Машраббоев.